

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАР ТАКЛИФИ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Ибодуллаева Маърифат Тўлқин қизи**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

E-mail: [m\\_ibodullayeva94@mail.ru](mailto:m_ibodullayeva94@mail.ru)

**Аннотация:** Ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талаб ва хорижий валюталар таклифи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш Ўзбекистон Республикасида валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур мувозанатни таъминлаш мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга кучли туртки беради. Бироқ, ҳозирги кунда мамлакатнинг ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талаб ва хорижий валюталар таклифи ўртасидаги мувозанат таъминланмаган бўлиб, талаб тклаифга нисбатан сезиларли даражада каттадир.

**Калит сўзлар:** валюта муносабатлари, валюта сиёсати, валюта курси, валюта интервенцияси, талаб, таклиф.

## CURRENT ISSUES OF ENSURING THE BALANCE BETWEEN THE DEMAND FOR FOREIGN CURRENCIES AND THE SUPPLY OF FOREIGN CURRENCIES

**Annotation:** Ensuring a balance between the demand for foreign currencies and their supply is one of the topical issues of state policy in the Republic of Uzbekistan in the field of liberalization of foreign exchange policy. In turn, ensuring this balance gives a strong impetus to the development of the country's international economic relations. However, at present, a balance between the demand for foreign currencies

and their supply is not ensured in the domestic foreign exchange market of the country, and demand significantly exceeds supply.

**Keywords:** currency relations, currency policy, exchange rate, currency intervention, demand, supply.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг валюта сиёсатини либераллаштириш тўғрисидаги Фармонининг қабул қилиниши муҳим воқелик бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ:

\*юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг ҳоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини руёбга чиқариш тўлиқ таъминланди;

\*миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда бозор механизмларини қўллаш жорий этилди;

\* давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий этиш вазифаси қўйилди;

\* мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди;

\* давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундириладиган бўлди (консуллик йиғимларидан ташқари)<sup>5</sup>.

2017 йил 5 сентябрдан бошлаб валюта сиёсатини либераллаштирилиши туфайли миллий валюта-сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан кескин қадрсизланиши хорижий валюталардаги кредитларни қайтаришда қийинчиликларни юзага келтирди. Ушбу қийинчиликларни маълум даражада енгиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкени камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга мувофиқ, тижорат банкларидан хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тақдим этилади<sup>6</sup>. Бу эса, миллий валютанинг кескин қадрсизланиши натижасида кредитни қайтара олмай қолган тадбиркорларга жиддий ёрдам ҳисобланади.

### 1-жадвал

#### 2018-2021 йилларда юридик шахсларнинг Ўзбекистон

#### Республикасининг валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта

#### бозоридан чет эл валютаси хариди, млн. АҚШ доллари<sup>7</sup>

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
Юридик шахсларнинг валюта биржасидан хариди	9 533	10 521	11 706	1 188	12,5 %
Юридик шахсларнинг биржадан ташқари бозордан хариди	845	3 203	3 655	20 290	24,0 марта

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкени камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2021 й., 07/21/5268/0997-сон.

<sup>7</sup>Ички валюта бозоридан амалга оширилган операциялар. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикамизда юридик шахсларнинг валюта биржасидан чет эл валютасининг хариди миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилга нисбатан кескин камайган. Бу эса, мазкур даврда биржадан ташқари валюта бозорида юридик шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш жараёнини фаоллашганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, юридик шахсларнинг биржадан ташқари валюта бозоридан чет эл валютасини харид қилиш миқдори 2018-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, биржадан ташқари валюта бозорини ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талабнинг асосий қисми хорижий давлатлардан импорт қилинган асбоб-ускуналарнинг тўлови билан боғлиқ бўлиб, мазкур тўловларнинг ҳажмини тобора ошиб бораётганлиги, биринчи навбатда, республикамизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришга қаратилган инвестиция сиёсатини амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

2018-2021 йилларда республикамизда чет эл валютасига бўлган талабнинг мутлақ асосий қисми, яъни 82 фоиздан юқори қисми юридик шахсларнинг ҳиссасига тўғри келган. Бу эса, асосан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг импорт операциялари билан боғлиқ бўлган.

2018-2020 йилларда республикамизда жисмоний шахсларнинг чет эл валютасига бўлган талабнинг умумий ҳажмидаги улушини ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, аҳолининг миллий валютадаги даромадининг бир қисмини чет эл валютасида шакллантиришга бўлган мойиллигини кучайганлиги билан изоҳланади.

1. Хорижий валюталар таклифининг камайишини миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллик даражасини пасайтириш йўли билан салбий девальвацион кутилмаларга барҳам бериш учун, биринчидан, Марказий банкнинг олтин ва валюталар билан амалга ошириладиган своп

операциялари ҳажмини ошириш керак; иккинчидан, АҚШ доллардаги импортга бўлган талабни камайтириш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражасини ошириш лозим; учинчидан, Марказий банкка валюта интервенциясини амалга оширишни мажбурият сифатида юклаш керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка валюта интервенцияси ўтказишни мажбурият сифатида юклаш керак.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунда Марказий банкка валюта интервенциясини амалга ошириш мажбурият сифатида юкланмаган. Мазкур Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ, “Марказий банкнинг валюта интервенциялари пулга бўлган умумий талаб ва таклифга таъсир кўрсатиш, шунингдек, сўм курсининг ортиқча ўзгаришларини юмшатиш учун ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш-сотиш йўли билан амалга оширилади”<sup>8</sup>.

Бундан кўринадики, валюта интервенциясини амалга ошириш Марказий банк учун мажбурият ҳисобланмайди. Бу эса, миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсининг кескин тебранишларига барҳам бериш масаласини очиқ қолишига сабаб бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тўшкент, 2017 //www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ 5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юқини камайтиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2021 й., 07/21/5268/0997-сон.

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/582/4014-сон. 12.11.2019 й.

3. Ички валюта бозорида амалга оширилган операциялар. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)  
(Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг  
Марказий банки тўғрисида. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий  
базаси: 03/19/582/4014-сон. 12.11.2019 й.